


VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб–қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига 1 8397 та кичик бизнес субъектларини (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этиш имконини берди. (2020 йилнинг шу даврига нисбатан 24,6 фоизга кўпдир).

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)**



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо (жами ташкил этилган субъектларнинг 27,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида (26,1 %), саноат соҳасида (22,6 %) ва қурилишда (6,0 %) ташкил этилган.

2021 йилнинг январь-март ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– инвестициялар ҳажми 1 434,3 млрд. сўмлик (умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 86,8 %) ўзлаштирилди ва 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 100,6 фоизни ташкил қилди;

– қурилиш ишлари ҳажми 5 53,2 млрд. сўмлик (қурилиш ишлари умумий ҳажмидаги улуши 96,9 %) ва 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 102,7 фоизни ташкил қилди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 730,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 49,4 %) ташкил қилди;

– хизматлар ҳажми 832,6 млрд. сўмлик кўрсатилиб (жами хизматлар ҳажмидаги улуши 60,3 %) 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 105,7 % ни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси 607,8 млрд. сўмни (жами чакана товар айланмасининг 34,5 %) 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 103,9 фоизни ташкил қилди;

– товарлар экспорт ҳажми 18,9 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 40,6 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, товарлар импорт ҳажми 34,6 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 81,1 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди;

– автомобиль транспортида 3,7 минг тонна юк ташилиб (жами автомобиль транспорти юк ташишдаги улуши 90,6 %) 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 102,2 фоизни ташкил қилди;

– автомобиль транспортида 25,6 минг йўловчи ташилиб (умумий йўловчи ташишдаги улуши 98,2 %) 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 102,4 фоизни ташкил қилди;

2021 йилнинг январь-мартда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши – 74,1 фоизни, саноатда – 49,4 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 99,7 фоизни, қурилишда – 96,9 фоизни, экспортда – 40,6 фоизни ташкил қилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши



**Вилоят бўйича кичик тадбиркорликда саноат маҳсулотларини
ишлаб чиқариш бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлари**
(умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда)

Жиззах вилояти бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Жиззах шаҳар (203,8 млрд. сўм), Ғаллаорол (65,5 млрд. сўм), Зафаробод (127,8 млрд. сўм.), Пахтакор (60,4 млрд. сўм) туманлар ҳиссасига тўғри келади.

Арносай (15,8 млрд. сўм), Бахмал (19,6 млрд. сўм) ва Дўстлик (17,0 млрд. сўм) туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми пастлигича қолмоқда.

**2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик
бизнесда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми**



**2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик
(бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати**



Жиззах вилояти бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Жиззах шаҳрида (205,7 млрд. сўм), Шароф Рашидов (142,9 млрд. сўм), Ғаллаорол (94,5 млрд. сўм) ва Зомин (88,4 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2021 йил январь-март ойларида иқтисодий кўрсаткичларда кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, % да

	<i>Саноат</i>	<i>Қурилиш</i>	<i>Хизматлар</i>	<i>Қишлоқ хўжалиги</i>
Жиззах вилояти	49,4	96,9	60,3	99,7
<i>шаҳар:</i>				
Жиззах	38,4	92,6	35,3	95,7
<i>туманлар:</i>				
Арнасой	26,8	100,0	75,8	100,0
Бахмал	100,0	100,0	77,6	99,9
Ғаллаорол	89,6	100,0	80,5	99,8
Шароф Рашидов	42,0	100,0	80,9	99,8
Дўстлик	8,1	100,0	81,9	99,9
Зомин	76,7	100,0	76,6	99,6
Зарбдор	44,5	99,7	75,3	99,9
Зафаробод	100,0	94,7	77,6	99,9
Мирзачўл	100,0	98,1	67,8	99,8
Пахтакор	52,3	99,8	81,9	100,0
Фориш	77,1	100,0	78,2	99,8
Янгиобод	100,0	100,0	81,9	99,9

Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятда кичик тадбиркорликнинг иқтисодий кўрсаткичлари соҳалар бўйича таҳлил қилинганида:

- саноат тармоғида кичик тадбиркорлик Бахмал (100,0%), Зафаробод (100,0%), Мирзачул (100,0%), Янгиобод (100,0%) туманларида нисбатан юқори улушни ташкил этади.

- қурилиш тармоғида кичик тадбиркорлик Жиззах шаҳар (92,6 %), Пахаткор (99,8 %), Зарбдор (99,7 %), Мирзачўл (98,1 %), Зафаробод (94,7 %) туманларида нисбатан кам улушни ташкил этади.

- хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик улуши Жиззах шаҳрида қолган ҳудудларга нисбатан кам (35,3 %) бўлишига қарамасдан, ҳажми жиҳатидан қолган ҳудудлардан юқори ўринга эга.

- қишлоқ хўжалиги соҳасида кичик тадбиркорлик улуши Жиззах шаҳрида (95,7 %), Зомин (99,6 %), тумани вилоятнинг улушидан нисбатан кам бўлиб қолган туманлар ҳажми жиҳатидан юқори ўринга эга.